Бюджет

**Юридик шахсларга ичимлик суви етказиб бериш, оқова сув хизмати кўрсатиш тўғрисида**

# 04 -сонли ШАРТНОМА

2022 й. «27» 01 Арнасой (тумани)

Жиззах « Жиззах сув таъминоти» МЧЖ **Арнасой туман филиали** бундан кейин **«Таъминотчи»**, унинг номидан **филиал бошлиғи Р.Бегматов**, корхона Низомига асосан бир томондан, Арнасой (шаҳар) туман Бобур МФЙ А.Навоий кўча 1 уйда жойлашган, бундан кейин **«Истеъмолчи»** Мудофаа бўлими раҳбари Н.Исломов

*(корхона,ташкилот ёки муассаса раҳбари)*

паспорти (гувоҳнома) серияси АА № 1617176 Арнасой ИИБ томонидан берилган вақти 03.06.2013 й.) унинг номидан У. Эшматов иккинчи томондан қуйидагилар тўғрисида мазкур шартномани туздик:

## I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 30 октябрдаги 306-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги 194-сонли "Коммунал хизматлар кўрсатиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори, вилоят хокимининг 2015 йил 29 декабрдаги 338-сонли қарори ҳамда тасдиқланган "Низом" талабларини бажаришга амал қилади.

1.2. «Таъминотчи» истеъмол учун ичимлик суви етказиб беришни ва оқова сувларни қабул қилишни, «Истеъмолчи» эса уни қабул қилиш, тўғри фойдаланиш ва қийматини тўлаш мажбуриятини олади.

1.3 Ўзбекистон Респзубликаси Вазирлар Махкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сонли қарорининг 1 иловасида "Табиий монополиялар субъектлари томонидан Мажбурий хизмат кўрсатиш керак бўлган истеъмолчилар" учун етказиб бериладиган ичимлик сувининг йиллик минимал хажми 184 м3 ни ташкил қилади.

1.4. «Истеъмолчи»га ушбу шартнома бўйича бир йилга:

- етказиб бериладиган ичимлик суви миқдори 184 $м^3$ (метр куб),

қуйидаги нархда:

- 1 $м^3$ (метр куб) ичимлик суви учун 3500 **сўм** (ҚҚС+15%) 4025 **сўм**, Жиззах вилоят хокимининг 13.04.2019 йилги № 152-сонли қарорига асосан 1 м3 учун қўшимча **50 сўм** жами бўлиб **4075 сўм**
- 1 $м^3$ оқова сув хизмати учун — **сўм** (ҚҚС+15%).

Шартноманинг умумий суммаси 749800 (Етти юз қирқ тўққиз минг саккиз юз) сўмни ташкил этади.

## 5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

5.1.Мазкур шартномани бажаришда юзага келадиган низолар ва келишмовчиликлар тарафлар ўртасида имкон қадар музокаралар йўли билан ҳал этилади.

5.2. Тарафларнинг низолари музокара йўли билан ҳал этиш имкони бўлмаган тақдирда,тарафлар келишмовчиликларини бартараф этиш учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кузда тутилган хўжалик суди орқали ҳал этилади.

## 6. ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТАРТИБИ.

6.1. Мазкур шартнома уч нусхада тузулиб,иккала томонда ҳамда ғазначилик бўлимида бир нусхадан сақланади.

6.2. Мазкур шартнома тарафлар имзолаган пайтдан бошлаб ва ғазначилик бўлимидан рўйхатдан ўтгандан сунг кучга киради ҳамда 31-декабр 2022 йилга қадар амал қилади.

6.3. Ушбу шартномага киритилган барча ўзгартиришлар ва қўшимчалар иккала тараф томонидан ёзма равишда тузилиб, имзо қўйилиб ҳамда Ғазначилик органи рўйхатидан ўтказилгандан кейин юридик кучга киради.

## XII. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ:

**«ТАЪМИНОТЧИ»**
« Жиззах сув таъминоти»МЧЖ
Арнасой туман филиали
Почта манзили, мулоқат телефони:

Арнасой тумани, О.Водий ҚФЙ Й.Зохидов кўчаси 13 уй.
тел: 99872 372 12 98
Тўлов учун банк ҳисоб рақами:
**22638 000 300 304 533 542**

Банк номи: **Ипатека банк Жиззах шаҳар филиали**

МФО (коди): **00122**
СТИР (ИНН): **200 345 016**
КТУТ (ОКПО) рақами: **03894914**
ХХТУТ (ОКОНХ) коди: **90290**

______ Р.Бегматов

(имзо) (м.ў.)

**«ИСТЕЪМОЛЧИ»**

Почта манзили, мулоқот телефони: Арнасой туман мудофаа ишлар бўлими
Банк номи: Марказий банк Тошкент ш. ХККМ

Х/Р.2
(Бюджет) 100021860082017081102172001
МФО (коди): 00014

СТИР (ИНН): 200331635
Х/р.3 (Бюджетдан ташқари)

Тўлов ғазна ҳисоб рақами: 23402000300100001010
ИНН 201122919

т-к ______ Н.Исломов

(имзо) (м.ў.)

27.01.2022 й.

## 2.ТАРАФЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

2.1.»Истеъмолчи» томонидан белгиланган лимитдан ортиқча 184 м3 сув сарфланганда хар 1м3 учун амалдаги таърифнинг беш баробар миқдорда хисобланади.

Ичимлик суви билан дарахтзорлар, ховлилар, йўлаклар ва экинзорларни суғориш қатъиян ман этилади. Истеъмолчи томонидан ичимлик сувини ўзбошимчалик билан фойдаланган холда «Ўзбекистон Республикаси коммунал тизимида сувдан фойдаланиш қоида»лари бўйича сув улчаш ускунасиз яъни қувур диаметрининг кундаланг кесими бўйича хисобланади.

2.2.«Истеъмолчи» томонидан ичимлик суви учун буйруқ асосида тасдиқланган маъсул шахс У. Эшматов томонидан хар ойнинг 25-санасига кадар сув улчагич курсатгичини ва таққослаш далолатномасини «Таъминотчи»га тақдим қилиш талаб қилинади. Агарда сув улчагич курсатгичи тақдим қилинмаса хисоб китоб шартноманинг 2.7-банди буйича амалга оширилади.

2.3. «Истеъмолчи» сув улчагич, расходамер ва бошка ускуналарни дахилсизлигини таъминлашга жавобгардир. Сув улчаш жихози хар икки йилда қиёсловдан утказилади,хамда буладиган сарф харажатлар истеъмолчи томонидан қопланади.

2.4. Истеъмолчи»нинг ёнгинга қарши кураш крани ва гидрантлар икки томонлама тузилган далолатнома асосида «Таъминотчи» вакили томонидан мухирланади.

2.5.«Истеъмолчи» Ўзбекистон Республикаси коммунал тизимда сувдан фойдаланиш қоидаларига амал қилган холда, техника ховфсизлиги қоидаларига риоя қилиши, «Таъминотчи» вакили томонидан урнатилган мухрни (пломба) асл холича сақлаш, таъминотчи вакилини сув улчагичларни эркин текширишга ва истеъмолчига қарашли булган барча сув хужалик обеъктларни назорат қилишига шароит яратиш. «Таъминотчи» вакилини иккинчи маротаба хам «Истеъмолчи» томонидан сув хужалиги ва сув улчаш ускунасини назоратига имконият яратилмаса «Ўзбекистон Республикаси коммунал тизимида сувдан фойдаланиш қоидалари»га асосан шартноманинг 2.7. банди буйича хисобланади.

2.6. «Ўзбекистон Республикаси коммунал тизимда сувдан фойдаланиш қоидалари» бузилган тақдирда «Истеъмолчи» вакили билан тузилган далолатномага асосан суд органлари орқали жаримага тортилади.

2.7. «Истеъмолчи» томонидан сув улчаш ускунаси урнатилмаган булса, фойдаланган сув учун хисоб-китоб бир ойлик календар кунига қуйидаги формула буйича хисобланади.

$$Q = 2.65*F*T*H$$

**F**-Задвижканинг кундаланг кесими бўйича.
**H**-Сувнинг босими.
**T**- Вақти.

**2.8. Сувга хақ тулаш ойлик ичимлик сувидан фойдаланганi учун туловлар хар бир ой учун 15 % миқдорда туловни олдиндан амалга оширади.**

**”Истеъмолчи”томонидан тулов икки хафта муддатда амалга оширилмаса “Таъминотчи” томонидан сув бериш хеч қандай огохлантиришсиз тўхтатилади..**

**”Таъминотчи”томонидан сув берилгунга қадар “Истеъмолчи”худудидаги санитар ва ёнгинга қарши холатлар учун “Истемолчи”маъсулдир.**

2.9. “Таъминотчи” вакили томонидан берилган хисоб варақаси нотугри тулдирилганда “Истеъмолчи” 5 иш кунида ёзма ариза ва хат оркали “Таъминотчи”га маълум қилади.

2.10. Сув ўлчаш ускунаси носоз бўлганда ёки Давлат қиёслов куригидан ўтказиш лозим бўлганда “Истеъмолчи” “Таъминотчи”га ёзма равишда хабар беради.

2.11. Шартномага асосан “Истеъмолчи”га қарашли бўлган барча объектларнинг жойлашган ўрни истеъмол қилинадиган сувларнинг миқдори, сув тармоқлари қувурининг деаметри, узунлиги ва йўналиши кўрсатилган схемани “Таъминотчи”га тақдим этиш.

2.12. “Таъминотчи”томонидан тасдиқланган таъриф асосида ичимлик сувининг таърифи ошганлиги туғрисида “Истеъмолчи”ни ёзма равишда огохлантиради.

2.13.Узбекистон Республикаси коммунал тизимда сувдан фойдаланиш қоидаларига асосан “Таъминотчи” ”Истеъмолчи”ни белгиланган график асосида ёки доимий равишда ичимлик суви билан таъминлаш.

2.14. “Истеъмолчи” томонидан ўз бошимчалик билан ичимлик суви тармоғига уланиш, сувдан фойдаланиш қоидаларини бузиш, сув улчагични кўрсаткичларини ўзгартириш, сув ўлчагичга ўрнатилган мухрни (пломба) бузиш, сув хужалигида қайта қуриш ва уни кенгайтириш қатъиян тақиқланади.Агарда ушбу холат содир этилса қонунда белгиланганидек жиноий ва маъмурий жавобгарликка тортиш учун суд органларига мурожат этилади.

## 3.ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ.

3.1. “Истеъмолчи” ичимлик суви учун хакини ўз вақтида тўламаса, таъминотчига ўтказиб юборилган хар бир кечиктирилган кун учун тўлов суммасининг 0.5 % миқдорда, аммо тўлов суммасининг 30% дан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

3.2. «Истеъмолчи» ва «Таъминотчи» уртасидаги шартномада хизмат курсатиш чегараси хамда тармоклар эксплуатация холати учун жавобгарлик белгиланади. (Илова №1) Истеъмолчининг фойдаланиш чегарасида булган носозлик шартнома асосида алохида тулов буйича бартараф этилади.

3.2. “Таъминотчи” шартномада белгиланган миқдордаги ичимлик сувини кўрсатилган муддатларда “Истеъмолчи”ни таъминлай олмаса истеъмолчига кечиктирилган хар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0.5% миқдорида пеня тўлайди.Табиий офатлар (кучли шамол, сув тошқини, ёнгин, зилзила) вужудга келганда, шунингдек таъмирлаш ишлари олиб борилганда ва электр энергиясида узилиш булган вактида «Истеъмолчи»га ичимлик суви етказиб берилмаса «Таъминотчи» жарима тулашдан озод килинади.

## 4. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ

**4.1. Хеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлар бўйича жавобгар эмас.**

**4.2. Тарафлар ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажармаслик сабаблари тўғрисида албатта иккинчи тарафни огохлантиришлари шарт.**